

**ХАЛҚАРО ТЕРРОРИСТИК ТАШКИЛОТЛАР ЖАНГАРИ
ГУРУХЛАРИНИНГ ШИМОЛИЙ АФРИКА ВА ЯҚИН ШАРҚ ДАВЛАТЛАРИДА
ОЛИБ БОРАЁТГАН ЖАНГОВАР ҲАРАКАТЛАРИ**

*Чирчиқ ОТҚМБЮ
Тактика ва УҚФ кафедраси бошлиги
подполковник F.T.Тўраев*

Авваллари Тактик тайёргарлик бўйича жанговар тайёргарлик машғулотлари классик кўринишда яъни очиқ дала майдонида олиб борилар эди. Ҳозирда эса шаҳар шароитида ҳам машғулотлар ташкиллаштирилмоқда.

Бугунки кунда, “Ироқ ва Шом ислом давлати” деб ном олган террористик ташкилот ҳозирда нафақат яқин шарқ давлатларига қолаверса, Ўрта Осиё давлатларига ҳам хавф туғдираётгани ҳеч кимга сир эмас.

2011 йилнинг март ойларида “араб баҳори” номи билан бошланган қўзғолонлар яқин шарқ давлатларида оммавий тартибсизликлар, қуролли можаро ва қўзғолонларни юзага келтирди. 2014 йил апрел ойида Сурия давлати Қуролли Кучларига қарши ноқонуний қуролланган қўзғолончилар фаолияти кескин даражада жадаллашди. [1]

Ғарб оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига кўра, ушбу қуролли можаролар натижасида 250 минг тинч аҳоли қурбон бўлган, жанговар ҳаракатлар содир бўлаётган худудлардан миллионлаб одамлар ўз уйларини ташлаб қўшни давлатларга қочиб кетишга мажбур бўлмоқдалар.

Сурия Араб Республикаси Қуролли Кучлари томонидан “Ислом давлати” ноқонуний қуролланган ташкилотига қарши олиб борилаётган тадбирлар деярли **شاҳар шароитида** амалга оширилмоқда.

Ноқонуний қуролланган ташкилотлар жанговар ҳаракатларни олиб боришилари учун айнан шаҳар қулай шароит яратади, чунки, давлатда мунтазам кучлар устун бўлиб, шаҳарда маълум даражада техниковий (йирик техникалар, йирик калибрли қуроллар) нейтрал ҳолатга келтирилади.

Демак, 2015 йилда жаҳонда терроризмга қарши кураш олиб бораётган қайноқ нуқталардан бири бўлган Сурия Араб Республикасидаги НҚТ ларнинг қуролли тўқнашувлардаги моҳиятига қисман тўхталиб ўтамиз [1].

Суриядаги НҚТ лар ҳукумат қўшинларига қарши курашни II босқичда амалга оширмоқдалар:

1 – Б О С Қ И Ч:

Операция ўтказишга тайёргарлик, ушбу босқич:

ҳаракат ҳудудини батафсил разведка қилиш ва жанговар ҳаракат ўтказиладиган ҳудудни ва жангариларни жанговар ҳаракатларга тайёрлашни ўз ичига олади [1].

2 – Б О С Қ И Ч:

Ҳукумат қўшинларини йўқ қилиш ва ҳудудни эгаллаш мақсадида жанговар операцияларни ўтказиш [1].

Бу мақсадда улар ўз куч ва воситаларини 3 та гурӯхга ажратадилар:

1-гурӯх: Марказий гурӯх ҳисобланиб, жангарилар командир қўл остида жанговар ҳаракатга шай ҳолда бўладилар, аммо улар доимий дислокацияга эга бўлмайдилар, таркиби ўртacha 50 киши [1].

2-гурӯх: Жанговар операция ўтказиладиган ҳудудда бўлиб, фақат командир билан алоқада бўлади, таркиби ўртacha 20 киши [1].

3-гурӯх: Доимий ўз уйларида бўладиган гурӯх аъзолари, улар фақат командир чақируви бўйича иш тутадилар, таркиби ўртacha 20-30 кишидан иборат [1].

Ислом давлати жангари тузилмалари шаҳар шароитида ҳудудни эгаллаш учун олиб борадиган операциялари тўртта даврдан иборат:

1-ДАВР: Аҳоли пунктларини ишғол этиш ва босиб олиш. Аҳоли пунктларини ишғол этиш асосан тунги вактларда 5-8 кишидан иборат бош дозор орқали амалга оширилади.

Аҳоли пунктларининг энг чеккасидаги уйлар ишғол этилгач, кузатув амалга оширилади. Хавф йўқлиги аниқлангач, жанговар отрядлар олдинга чиқарилади [1].

2-ДАВР: Жанговар отрядларни олдинга чиқиши, полиция отрядларини қуролсизлантириш, жойни муҳандислик жиҳозлаш. Жангари отряд аҳоли пунктини 2 йўналиш бўйича ишғол этади.

1-йўналиш: Полиция ходимлари қўлга олиниб, қуролсизлантирилади.

2-йўналиш: Блиндаж ва яшириниш жойлари маскировка қилинади [1].

3-ДАВР: Асосий гурух ҳудудни эгаллаш учун чиқиши. 5-10 метрлик оралиқ масофа билан колонна таркибида ҳудудга ҳаракат бошланади.

Хавфли жойлар очик жой орқали эмас, балки уй подваллари, канализация йўллари ва қаватдаги уйлар орқали амалга оширилади. Хавф ҳаддан зиёд ортганда, жангарилар қуролларни яшириб, оддий фуқаро сингари ҳудуддан чиқиб кетадилар [1].

4-ДАВР: Ҳукумат кучлари билан жанговар ҳаракатлар олиб бориш ва жангдан сўнг чекиниш. НҚТ ларнинг қуролли можароларда асосий **жанг олиб бориши усуллари: босқин (налёт), пистирма (засада), пистирма-тузок (засада-приманка), қўпориш, портлатиш.** [1]

Сурия армияси томонидан махсус операциялар ўтказиш чоғида қўлланилаётган жанговар-тактик ҳаракатлар стратегияси қўйдагича:

1. Дастреб ҳудуд қуршаб олинида ва тинч аҳоли эвакуация қилинади.
2. Кейин террорчиларга ёрдам кучлари етиб келиши ва жангариларнинг ҳудуддан қочиб кетишини олдини олиш мақсадида блокпост ва НЎПлари ўрнатилади.
3. Ҳудуддаги қуролли тўқнашувлар мобайнида техноген фавқулотда ҳолатларнинг олдини олиш учун ҳудуддаги газ ва электр тармоғлари узилади.
4. Авиация ва артиллериядан зарбалар берилади.
5. Зирхли техникалар билан душман обьектлари ўқса тутилади.

6. Қолган душманлардан ҳудудни тозалаш учун пиёда қўшинлар операция ҳудудига киради.

Сўнги йилларда Сурия армияси томонидан қўлланилаётган **учувчисиз аппаратлар** қуролли тўқнашувлар мобайнида ҳаводан разведкани олиб бориши кескин ўзгарувчи вазиятда командирларнинг тўғри ва тезкор қарор қабул қилишга ва душманнинг куч ва воситаларини йўқ қилинишига омил бўлмоқда.

Терроризмга қарши ўтказилаётган жанглар тажрибасидан маълумки, террористлар билан кураш олиб бориш вақтида қоидага кўра, душман билан тўқнаш келгунга қадар яъни масофали ўт очиш жангидага йўқ қилиш лозимлигини кўрсатмоқда.

Шунинг билан бирга жангариларни масофадан туриб ўт очиб йўқ қилишда авиация ва артиллериянинг ҳам роли муҳимдир. Жангда авиация ва артиллериянинг самарасини ошириш мақсадида малакали авианаводкачилар ва корректировкачилар душман жойлашган обьектларни маҳсус кузатув мосламалари ёрдамида ва кўз билан кузатиб жангарилар ҳаракатларини назоратда ушлаши керак.

Шаҳар шароитида, бино, ертўла, чердак ва шунга ўхшаш жойлардаги душманнинг отиш нуқталарини йўқ қилишда пулемёт, мерган ва гранатомётларининг мавжудлиги ҳам жангнинг самарасини оширади.

Шаҳар шароитида жангнинг муваффақиятига разведка маълумотларининг муҳимлигини ҳисобга олиб, разведка бўлинмалари таркибий штат тузилмаларига тактик жиҳатдан ўзгартириш киритиш, яъни уларнинг таркибини техник воситаларни кузатув оператори ва учувчисиз аппаратлари билан қучайтириш лозимлигини замонавий қуролли можаролар тақозо этмоқда.

Яна бир бор эслатаман, ҳозирги таҳликали кескин ўзгарувчан замонда қуролли можароларнинг ҳам олиб бориш тактикаси юқори суръат билан ўзгариб бормоқда.

Ўтган асрлардаги анъанавий (классик) жанговар ҳаракатлардан ҳозиргиси тубдан фарқ қилиб, кичик-кичик гурух ва бўлинмалар таркибида ҳаракатланиб, юқори манёврчанлик, тезкорлик, ностандарт вазиятларда тўғри қарор қабул қилиб, давлатимиз хавфсизлиги йўлида жанговар вазифани муваффакиятли бажариш талаб этилмоқда.

Ҳарбий тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, замонавий ҳарбий можароларда кўп ҳолларда мунтазам Қуролли Кучлар ноилож бўлиб қолмоқдалар. Улар номунтазам кучларга нисбатан самарали курашиш имкониятига эга эмас.

Шаҳар шароитидаги ноанъанавий жанговар ҳаракатларга 2006 йилдаги Ливан урушидаги “Хизбуллоҳ” ташкилотининг ҳаракатлари мисол бўла олади. Ўша жанговар ҳаракатлар вақтида яширин позициялар ва ер ости тоннелларидан фойдаланган ҳолда шунингдек, Ливаннинг аҳоли пунктларида манёврлар амалга ошириб Истроил армияси кучларини нейтрализация ҳолатига келтирди.

Ушбу тактика натижасида Истроил армияси, Ливан билан Истроил чегарасидаги бир аҳоли яшаш пунктида икки ҳафта давомида “Хизбуллоҳ” ташкилоти позицияларига нисбатан самарасиз ҳужумлар амалга оширди. Барча устунлик Истроил армиясида бўлиб, замонавий жанговар имкониятлар ва авиацияни қўлланганлиги сабабли “Хизбуллоҳ” аъзоларини тор мор қилишга эришилди.

Яқин шарқ давлатларида фаолият юритаётган “Ислом давлати” нинг мунтазам кучларга қарши олиб бораётган террористик ҳаракатларини ҳам баҳолайдиган бўлсак, айнан ноанъанавий қуролли можаролар синфига киради десак, адашмаган бўламиз.

Бу борада, республикамиизда ҳам шаҳар шароитида маҳсус тадбирларни ўtkазиш учун тайёргарлик кўриш ва олиб бориш жараёнларида *алоҳида камчиликлар* аниқланди. Шулардан келиб чиқиб шаҳар шароитида ноанъанавий урушларни олиб бориш асослари ва ўзига хос хусусиятларни ўрганиш *долзарб* бўлиб қолмоқда.

Вазиятдан келиб чиқиб шаҳар шароитида бинони мудофаа қилиш мажбурияти ҳар бир бинода жойлашган ҳарбий қисм, бошқарма ёки бўлинма шахсий таркибининг зиммасига юклатилади. Масалан: Бинога тўсатдан тажовуз ёки ҳужум бўлган вазиятларда асосан ўша бинодаги мавжуд бошқарма ёки бўлинма шахсий таркиби жойлашган бўлади. Бунга 2005 йилги Андижон воқеалари яққол мисол бўла олади.

Ўша жанговар ҳаракатларда қатнашган маҳсус бўлинма ҳарбий хизматчилари билан ўтказилган сўровлар натижаси шуни қўрсатмоқдаки, вилоят МХХ бошқармаси ва Махсус бўлинма шахсий таркибининг олдиндан, бўладиган хавфга тайёргарлиги яхши ташкил этилганлиги жудаям қўл келди. Акс ҳолда вилоят МХХ бошқармаси биноси бузғунчи террорчилар қўлига ўтган бўлар эди.

Хуроса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёsat фаолияти Концепциясида кўрсатиб ўтилганидек, яъни Ўзбекистон Яқин ва Ўрта Шарқ давлатлари билан яқиндан муносабатда бўлиб, дунёнинг ушбу нуқталарида содир бўлаётган воқеалар ва ўзгаришларни инобатга олиб ривожланишда давом этади.

Шу муносабат билан Суриядаги олиб борилаётган терроризмга қарши тадбирлар жараёнини таҳлил қилиш ва ўрганиб бориш, бўлаётган ўзгаришларга нисбатан Қуролли Кучларимиздаги ҳарбий хизматчилар жанговар тайёргарлигини ошириб бориш жудаям муҳимдир.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Интернет сайти. [ptth://www. Война в Сирии](http://www. Война в Сирии).